



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 173 (13.506)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август кунни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, И.Шуваловни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг Россия томонидан раиси этиб тайинлангани билан самимий табриклади.

Президентимизнинг шу йил 4-5 апрель кунлари Россия Федерациясига давлат ташрифи давомида эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, шунингдек, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги дастур ва лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этишда Комиссия муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Ҳозирги пайтда ўзаро муносабатлар жадал ривожланиётгани қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор ўсиб бормоқда – шу йилнинг етти ойи давомида товар айирбошлаш ҳажми 14 фоизга ўсиб, 2,6 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бунда экспорт ва импортнинг барча асосий йўналишлари бўйича ўсиш кузатилмоқда. Июль ойидан Россия бозорига мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришда “яшил коридор” тизими тўлақонли фаолият кўрсата бошлади.

Россиянинг етакчи компаниялари ва банклари жалб қилган ҳолда, устувор

инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликда фаол иш олиб боришмоқда.

Нефть-газ мажмуасидаги геология-қидирув ишларини амалга ошириш ва истиқболли конларни ўзлаштириш, бунда углеводород хомашёси қазиб олишни кўпайтириш, Қандим газни қайта ишлаш ва Жиззах нефтни қайта ишлаш заводларини қуриш, соҳа корхоналарини модернизация қилиш, шунингдек, газ ва нефть етказиб бериш бўйича йирик лойиҳалар шулар жумласидандир.

Металлургия соҳасида “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш, мис бойитиш мажмуасини қуриш ва Тошкентда металлургия заводи барпо этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ишлари бошланди.

Машинасозлик, автомобилсозлик, электротехника, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, туризм ва бошқа кўплаб соҳаларда, шунингдек, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасида кичик бизнес субъектларини фаол жалб қилган ҳолда кооперация алоқалари кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россия капиталли иштирокида мингга яқин корхона

фаолият юритмоқда, Россиянинг 60 компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтган.

Ижтимоий алоқалар ривожланмоқда, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият ва санъат соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва юқори технологияли соҳаларда янги истиқболли дастурларни тайёрлашни жадаллаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чин дилдан миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумат раиси Дмитрий Медведевнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Ҳукумат раисининг биринчи ўринбосари Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикаси билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳидаги кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга тайёр эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йилларда электрон аукцион савдоларини ташкил этиш орқали давлат ва корпоратив харидларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш учун уларни тақомиллаштириш чоралари кўрилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича идоралараро тендер комиссиялари, шунингдек, лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ихтисослашган тармоқ эксперт кенгашлири ташкил этилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайди, турли хил коррупция қўрилишлари учун шароит яратиб беришга келишиш жараёнлари, бир-бирини тақдорлайдиган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатларининг мавжудлиги сабабли жуда мураккаб ҳисобланади.

Хусусан, идоралараро тендер комиссиялари баённомаларини келишиш ва тасдиқ-

лашни ўз ичига олувчи тендер жараёнларининг айрим ҳолларда олти ойгача чўзилиши кузатилмоқда, бу эса лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар амалга оширишнинг кечиктирилишига ҳамда тармоқ жадвалларининг бузилишига олиб келмоқда.

Нарх-навони манипуляция қилиш, товарларнинг сифати, тасвифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари кўплаб мавжуд.

Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлари тизимини тубдан тақомиллаштириш, ушбу соҳада суниестеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2017 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро микёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб бердиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

Биринчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида (фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та биринчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида 2 та биринчи даражали мукофот берилиши белгилансин):

– Аюпов Шавкат Абдуллаевич, Қудайбергенов Каримберген Кадирбергенович, Омиров Бахром Абдужалилович, Розиков Ўткир Абдуллаевичга – “Ноассоциатив алгебралар, дифференциаллаш ва нотиқлиқ динамика системалар назарияларини ривожлантириш” фундаментал тадқиқоти учун;

– Иноятнова Флора Ильясовна, Ахмедова

Дилором Илҳомовна, Амонов Шавкат Эргашевичга – “Оғир эшитиш заифлиги ва қарлиги бўлган болаларнинг реабилитацияси” амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:
– Қодиоров Пиримқулга (марҳум) – “Амир Темур сиймоси” ва “Тил ва эл” асарлари учун;
санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:
– Матёкубов Отаназарга – ўзбек классик мусиқасининг тарихи, назарий асослари ва замонавий жараёнларга таъсири ҳақидаги тадқиқотлар туркуми. “Мақомот”, “Бухоро Шашмақомига яна бир назар”, “Хоразм нота ёзувининг тарихи ва тамойиллари”, “Ўзбек классик мусиқаси асарлари” (икки томли, ўзбек ва рус тилларида) каби мусиқашуносликка оид асарлар мажмуаси учун.

Иккинчи даражали давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

фан ва техника соҳасида:
– Тиллашайхов Мирзағалиб Нигматович, Парпиева Наргиза Нусратовна, Белоцерковец Вера Георгиевнага – “Ўзбекистон Республикасида аҳолига кўрсатиладиган силга қарши хизматни тақомиллаштиришнинг фундаментал асосини яратиш” амалий тадқиқоти учун;

адабиёт соҳаси бўйича:
– Саидов Сирожиддин Салоҳович (Сирожиддин Саййид)га – “Очил, эй гул, ки бўстон вақти бўлди” китоби учун;

санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:
– Шоёқубов Шохалил Каримовичга – “Замонавий Ўзбекистон миниятураси” (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида) китоб-альбому учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислоҳ қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, сувдан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари кўриломоқда.

Шу билан бирга, энергия ресурслари истеъмолнинг самарадорлигини мониторинг қилишнинг тасирчан тизими, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштириш имконини бермапти.

Иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишда тизимли камчиликларнинг мавжудлиги, маъна ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналаридан фойдаланиётган энергия ресурсларини самарасиз истеъмол қилишга олиб келмоқда.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил этилмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш таъминлаш мақсадида:

1. Уй-ҳўй коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Энергия тежай миллий компанияси” акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда “ЭТМК” АЖ деб юритилади) ташкил этиш ҳақидаги тақлиф қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар “ЭТМК” АЖнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда)

корлигида ташкил этилган фестивалда 11 жамоа таркибиде 230 дан зиёд аёл иштирок этди.



• Кеча Гонконгга “Хато” номли Тинч океани тўфонининг хуруж қилиши натижасида шамолнинг тезлиги соатига 155 километрга етиб, бўрон кўплаб томларни учириб кетди, дархатларнинг шохлари синди, чўмилиш ҳавзаларини сув босди. Табиий офат натижасида давлат корхоналари, мактаблар ва офислар ёпилди, аэропортларда кўплаб ҳаво рейслари бекор қилинди, минглаб одамлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Ҳозирда тўфон катта тезликда Хитой томонга ҳаракатланмоқда.

• Хитой пойтахти Пекин шаҳрида анъанавий Бутунжаҳон робот техникаси конференцияси бошланди. 27 августга қадар давом этадиган анжуман яқунланган, дронлар пойғаси, роботлар шоу-си ва бошқа қизиқарли тадбирлар ўтказилади.



• Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятида “Фидойинг бўлганимиз сени, Ўзбекистон!” шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Булунгур туманидаги Килдон ва Сайилтепа маҳаллаларида ташкил этилган шундай тадбирларда рес-

Анвар САМАДОВ
ёзиб олди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5120-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш доирасида Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот порталини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар буйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қўйидагиларни назарда тутуви тақлифларга розилик берилсин:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва иқтимоий соҳада амалга ошириладиган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармок идоралараро тендер комиссияларини тугатиш;

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини тақлиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган ихтисослашган тармок эксперт кенгашларини тугатиш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР)НИНГ ДАВЛАТ ВА КОРПОРАТИВ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСЛУБЛАРИНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда давлат ва корпоратив харидлари механизмининг янада такомиллаштириш, тендер савдоларининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича изчил ва комплекс ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон савдолар жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш бижасининг махсус ахборот портали яратилди, товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари доирасида кўп поғонали идоралараро тендер комиссиялари ташкил этилди.

2016 йил ва жорий йилнинг 7 ойида Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш бижаси майдонларида 1,7 триллион сўмдан ортиқ суммада 95 мингдан ортиқ битимлар тўзилди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил кўрсатдики, давлат ва корпоратив харидларининг ҳамда тендер савдоларини ташкил этишнинг амалдаги тартиби замонавий талабларга жавоб бермайдиган, турли хил коррупция қўринишлари учун шароит яратадиган қўлаб қелишиш босқичлари, бир-бирини тақорлаётган тартиб-таомиллар ва сансалорлик ҳолатлари мавжуд. Бундан ташқари, тендер жараёнининг қўйилиши, нарх-навоини маъмул қилиш, товарларнинг сифати, тавсифи ҳақидаги маълумотларни бузиб кўрсатиш ва электрон савдода тузилган битимлар бўйича товарларни етказиб бермаслик ҳолатлари қўлаб қузма тилимоқда.

Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) харидининг амалдаги меъёрлари ва тартиби товар-моддий бойликлар, шу жумладан, уларнинг энг зарурлари (канцелярия буюмлари, компьютер техникаси ва автотранспортни таъмирлаш) билан нормал ва барқарор таъминлашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Охир-оқибатда бу лойиҳалар, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг кечиктирилишига олиб келмоқда.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва иқтимоий соҳада амалга ошириладиган, битта контракт бўйича 5 миллион АҚШ долларидан юқори эквивалентдаги инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хариди юзасидан тармок идоралараро тендер комиссияларини тугатиш;

лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланган тендер ва лойиҳаолди ҳужжатларини тақлиф этилаётган технология ва асбоб-ускуналар бўйича технология, асбоб-ускуналарни танлаш ва нархларни шакллантириш қисмида экспертизадан ўтказиш функциясини бажарадиган ихтисослашган тармок эксперт кенгашларини тугатиш;

битта контракт бўйича 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача эквивалентдаги товарлар

(ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини Ўзбекистон Республикаси товар-хонаш бижаси томонидан ташкиллаштириладиган электрон савдолар орқали амалга оширишга оид талабни бекор қилишни назарда тутди.

Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилиши таъминлаш, шунингдек, бир ой мuddатда қўйидагиларни назарда тутуви “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди:

давлат ва корпоратив харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизминини, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат ва корпоратив харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

давлат ва корпоратив харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартиб-таомилларини яратишни;

электрон харидларни янада ривожлантириш, натижаларни, таҳлил, қилиш, учун, маълумотлар, ягона базасини, харидларнинг зарурий параметрларини ташкил этишни;

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар танлов (тендер) комиссиялари тақлифлари ва тегишли тартиб-таомиллар ушбу қарор талабларига мувофиқлаштирилиши таъминласин.

Бюрогмачиларнинг раҳбарлари давлат ва корпоратив харидларини амалга ошириш тартибига риоя қилмаганлиги, шу жумладан, харид қилишнинг мақсада мувофиқлиги учун жиноий жавобгарликка тортишга қадар шахсий жавобгар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги маффаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ресурслар ягона миллий маълумотномаси ва Давлат харидлари ягона ахборот портали яратилиши ҳамда 2018 йил 1 январдан ишга туширилиши таъминласин;

бир ой мuddатда қўйидагиларни назарда тутуви “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин:

давлат (корпоратив) харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очик механизминини, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни;

давлат (корпоратив) харидларига тадбиркорлик субъектлари кенг жалб қилинишини;

Шу билан бир қаторда, Агентлик Ўзбекистон Республикасининг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида давлат ва корпоратив харидларини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланди.

2018 йил 1 январга қадар ноаниқликларни бар-тароф қилиш ва суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида давлат ва корпоратив харидлари қўйидаги эквивалентларга мувофиқ, яъни:

1 минг АҚШ долларидан кам бўлган битта контракт – нархи, сифати ва товарлар (ишлар, хизматлар)ни етказиб бериш мuddати бўйича энг мақбул келадиган шартларни тақлиф қилишга қадар берувчи билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали;

1 мингдан 100 минг АҚШ долларигача бўлган битта контракт – бюротмачи тузадиган идоровий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул тақлифларни танлаб олиш орқали;

100 минг АҚШ долларидан юқори миқдордаги битта контракт – бюротмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзИжнининг” Республика лойиҳа институтини, шунингдек, бюротмачининг тармок ил-мий-техник кенгашларининг вакилларини мажбурий жалб этган ҳолда тузиладиган идоралараро танлов (тендер) комиссиялари ташкил этидиган танлов

(тендер) савдоларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, мазкур харидлар бўйича техник шартлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган бўлиши шартлиги ҳақидаги талаб белгиланди.

Шу билан бирга, қарорда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини қучайтириш мақсадида уларнинг тендер савдоларини ташкил этиш бўйича талабларни бузганлиги ҳамда ўтказилган давлат ва корпоратив харидларининг мақсада мувофиқлиги учун жиноий жавобгарликка тортишга бўлган шахсий жавобгар бўлиши кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган қарори давлат ва корпоратив харидларининг илгор ахборот-коммуникация технологиялари ва лойиҳа бошқаруви тамойилларидан фойдаланишга асосланган замонавий шакл ҳамда услубларга босқичма-босқич ўтиш йўлидаги яна бир қадам ҳисобланади.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бюджет маблағларидан фойдаланишнинг самардорлигини, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишда мустақиллиги ва масъулиятини оширишга, бюрократияни бар-тароф этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолнинг самардорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича тақлифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш; давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннаҳрини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

3. Белгиланган қўйилсинки:

“ЭТМК” АЖнинг устав фонди таъсисчилар ўртасида 1-иловага мувофиқ тақсимланади;

“ЭТМК” АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси ҳисобланади;

энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) мажбурий сертификатлаштирилиши шарт;

“ЭТМК” АЖнинг давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича харажатларни қоплаш улар жорий қилингандан кейин олинган тежаш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади;

тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг “ЭТМК” АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилади;

энергия самарадорлиги юқори бўлган ўхшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш таққилланади;

“ЭТМК” АЖнинг тўловлари харажатларнинг тўрттини гуруҳи – бошқа харажатлар бўйича амалга оширилади; хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар “ЭТМК” АЖ фалиятини молиялаштириш маблағлари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда “ЭТМК” АЖнинг устав фондини шакллантирган ҳолда акцияларни белгиланган тартибда чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва таъсисчилар ўртасида жойлаштиришни таъминласин.

5. “ЭТМК” АЖнинг директорига истисно тариксида юқори маалаки хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютда белгилашга рухсат берилсин.

6. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича комиссия 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

7. Комиссия (М.Х.Салиев) уч ой мuddатда: уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, хорижий ва халқаро молия институтлари иштирокчида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича танқидий таҳлил ўтказсин;

ўтказилган ўрганиш яқунлари бўйича уй-жой коммунал хизматларнинг бюджет харажатлари ва ташкилий-штат тузилмасини оптималлаштириш юзасидан тақлифлар тайёрласин;

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурларини оптималлаштириш бўйича тақлифлар тайёрласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги:

“ЭТМК” АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этишнинг шартлари ва аниқ мезонларини белгилайдиган тақлифларни киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “ЭТМК” АЖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзИжнининг” Республика лойиҳа институтини билан биргаликда уч ой мuddатда қозонхона станцияларини хатловдан ўтказсин ҳамда ақуни юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Қозонхона асбоб-ускуналарини модернизация қилиш бўйича давлат дастури лойиҳасини киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “ЎзИжнининг” Республика лойиҳа институтини Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилган ҳолда энергия сервис шартномалари доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқишлигини таъминласин.

10. “Ўзстандарт” агентлиги “ЭТМК” АЖни давлат органлари ва бошқа ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)ни сертификатлаш юзасидан ягона орган сифатида белгиланган тартибда аккредитация қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой мuddатда: Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига энергия сервис шартномасида белгиланган тежаш даражаси тасдиқланганда давлат органлари ва ташкилотларининг “ЭТМК” АЖ олдидаги мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатини бериш тартибни юзасидан тақлифларни киритсин;

энергия сервис шартномаларининг амал қилиш даврида коммунал хизматлар учун, шу жумладан, тарифлар ўсишини ҳисобга олиб, илгари назарда тутилган бюджет ажратмалари миқдорини сақлаб қолган ҳолда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олчуларини молиялаштириш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddатда “ЭТМК” АЖнинг тузилмасини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 23 августЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЗАМОНАВИЙ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР ВА ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЙДИГАН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЯНАДА ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мамлакатимизда энергетика соҳасини янада ислох қилиш, электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, судан (кейинги ўринларда энергия ресурслари деб юритилади) оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил энергия ресурсларидан самарасиз фойдаланишга олиб келадиган тизимли муаммоларни аниқлаш имконини бери, бу эса охир-оқибатда энергия ресурслари харажатларини мақбуллаштиришни ҳамда давлат ва ҳўжалар бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда давлат органлари ва ташкилотлари деб юритилади) энергия ресурсларидан қардорлигини қисқартиришга эришишни таъминламапти. Хусусан:

энергия ресурслари истеъмолнинг самардорлигини мониторинг қилишнинг ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш хизматларини кўрсатишнинг таъсирчан тизими, шу жумладан, мазкур функцияларни бажаришга масул бўлган ихтисослаштирилган муассасанинг мавжуд эмаслиги, бунинг оқибатида фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чоралар қўтилган натижани бермапти. Бу эса давлат органлари ва ташкилотларининг энергия ресурсларига харажатларини қўпайтиради;

иссиқлик таъминоти объектларини модернизация қилишдаги тизимли камчиликлар, ишдан чиқши 70 фоизга етган ҳамда иссиқлик таъминотининг самарасизлиги ва энергия сарфи хажмининг катталигига сабаб бўлган, маънан ва жисмонан эскирган қозонхона асбоб-ускуналарининг ишла-тилиши;

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва иқтимоий соҳада энергия сарфи хажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бажариш бўйича ишлар лозим даражада ташкил қилинмаган. Бунинг оқибатида дастурда давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш бўйича назарда тутилган лойиҳалар ижро этилма-масдан қолган.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда ҳамда давлат органлари, ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорига мувофиқ “Энергия тежаш миллий компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “ЭТМК” АЖ деб юри-

тилади) ташкил қилинди ва унинг асосий вазифалари этиб қўйиладиган белгиланди:

давлат органлари ва ташкилотларида энергия ресурслари истеъмолнинг самардорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича тақлифларни тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг харажатларини мақбуллаштириш, товарлар (ишлар, хизматлар) таннаҳрини пасайтириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва энергия ресурслари учун харажатларни қисқартириш ҳисобига бюджет ҳамда ўз маблағларини тежаш;

фойдаланиладиган энергия ресурслари ҳажмини камайтиришга қаратилган техник, технологик, иқтисодий ва бошқа чораларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий фалият миллий банки, “Асакабанк” АТБ ва “Турон-банк” АТБ “ЭТМК” АЖнинг таъсисчилари ҳисобланади.

Шу ўринда, “ЭТМК” АЖ давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни энергия сервис шартно-

малари асосида жорий қилиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар)нинг ягона етказиб берувчиси этиб белгиланди. Унинг харажатларини қоплаш энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологиялар жорий қилингандан кейин олинган тежаш миқдорларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) учун давлат органлари ва ташкилотлари томонидан тўловларни таъминлаш мақсадида қарор билан давлат органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат кафолатини бериш механизми назарда тутилди. Тежаш даражаси тасдиқланганда бундай кафолат “ЭТМК” АЖга берилади.

Шу билан бир қаторда, энергия самардорлиги юқори бўлган ўхшаш товарлар мавжуд бўлган тақдирда, давлат органлари ва ташкилотларига энергия самарадорлиги паст товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш таққилланади.

Янги тузилган ташкилот ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган қадрлар билан тўлдирилиши таъминлаш мақсадида “ЭТМК” АЖнинг директори истисно тариксида юқори маалаки хорижий мутахассисларни ишга қабул қилишга ҳамда уларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни эркин конвертация қилинадиган валютда белгилашга рухсат берилди.

Шунингдек, қарор билан уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни танқидий таҳлил

қилиш ва уларни оптималлаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлаш бўйича комиссия ташкил этилди.

Комиссияга:

уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 майдаги “Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига кўра пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек, Олмасор, Чилонзор ва Бектемир туманларида кичик саноат зоналари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу эса тадбиркорлар учун янги имкониятларни тақдим этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида “Бионолардан фойдаланиш департаменти” давлат корхонаси раҳбарлари иштирокида ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

“Бионолардан фойдаланиш департаменти” давлат корхонасининг асосий фаолияти йўналиши Тошкент шаҳридаги маъмурий ва бошқа турдаги бионоларнинг маълумот базасини шакллантирган ҳолда бўш турган ҳамда самарасиз фойдаланилаётган объектларни ўрганиб, давлат ташкилотларини ҳамда тадбиркорлик субъектларини зарур жой билан таъ-

минланишида қўмаклашиш, таклифлар тайёрлаш ва давлат мулкига тегишли бионоларни эксплуатация қилишдир. Шунингдек департамент Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган кичик саноат зонасини бошқариш дерекцияларининг мувофиқлаштирувчиси ҳам ҳисобланади.

Маълумки, бугунги кунда пойтахтимизнинг Сергели, Юнусобод ва Яқкасарой туманларида кичик саноат зоналари фаолият юритилмоқда. Бу жойларда тадбиркорлар ва ходимлар учун зарур шароитлар яратилган. Саноат зоналари ҳудудида нотариус ва банк хизматлари йўлга

қўйилган, тиббиёт хоналари, ошхоналар ишламоқда.

– Саноат зонамизнинг умумий ер майдони 61,2 гектарни ташкил этади, – дейди “Яқкасарой кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонаси раҳбари Рустам Нуралиев. – Ҳозирда 301 та тадбиркор субъектлари билан 10 йил муддатга ижара шартномалари расмийлаштирилган. 255 та корхона ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналарни ўрнатиб, иш фаолиятини бошлаб юборган.

Кичик саноат зонасида тадбиркорлар томонидан ёғочни қайта ишлаш, озиқ-

овқат маҳсулотлари, шунингдек, металл конструкциялар ва жиҳозлар, машина-созлик эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирда бу ерда 7 мингга яқин иш ўрни яратилган. 2016 йилда корхоналар томонидан 528 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, шундан 71,5 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинди.

Анжуманда шунингдек, Сергели ва Юнусобод туманларидаги кичик саноат зоналари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Пойтахтимизда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида нашр этилган “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

БАЙРАМГА ТУҲФА

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида давлат мустиқчилигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида нашр этилган китоб тақдимотида профессор-ўқитувчилар, олимлар ва илмий-тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари А.Қодиров ва бошқалар ушбу услубий қўлланмада мустиқчилигининг буюк ва бебаҳо неъмат эканлиги, унинг миллий давлатчилигимиз тарихидаги аҳамияти, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устуви йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йўли” Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва бу борада белгиланган вазифалар чуқур очиб берилганини таъкидлади.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини, уларнинг китобхонлик савиясини янада ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим мудири Ойбек Турғунов. – “Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!” номли китобда “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурашимиз”, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” каби тамойил ва ғоялар асосида тайёрланган ўндан ортиқ мақола ўрин олган.

Тақдимотда мутахассислар мазкур тўплам юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Г.БОБОВА

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университетида ёшларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича уч ойлик дастур бошланди. Мазкур дастурда талабалар қатор йўналишларни ўз ичига олган АКТ лойиҳалари билан иштирок этмоқда.

ЁШЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИ Қўллаб-қувватланмоқда

Лойиҳа Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мамлакатимиз Фан ва технологиялар агентлиги, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон бизнес форуми (3-босқич)” қўшма лойиҳаси ва “Sasol” компанияси ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Б.Асадов, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети ректори К.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қатъий эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, ёшларнинг бу борадаги интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялашти-

риш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Мазкур дастурда мамлакатимиздаги олий ўқув юртимизда таҳсил олаётган тўқсонга яқин йигит-қиз қиртдан ортиқ лойиҳа билан қатнашмоқда. Жамоалар дастурий иловалар бўйича лойиҳалардан ташқари, муҳандислик-техник ечимлар борасидаги ишланмаларни ҳам тақдим этган.

Семинарда ёшлар турли йўналишларни қамраб олган дастурлар, маҳорат дарслари, учрашувлар ва бошқа тадбирларда қатнашади, ўз бизнес-лоийҳаларини ҳимоя қилади.

Ш.МАМАТУРОВА,
Ўза мухбири

Ҳозирги кунда дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган энг бирламчи масалалардан бири коррупция муаммосидир. Шу боис унга қарши курашиш халқаро миқёсга кўтарилиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалаларидан бирига айланди. Даволатини ушбу иллат нафақат иллатлар йўлига жиддий тўсиқ бўлиши, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам бевосита таҳдид туғдириши барчага аён.

Маълумки, коррупция ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказиши, давлатнинг конституциявий асосларини ҳамда жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради, демократик институтлар ва қонун устуворлигини заифлаштириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий тарзда бузилишига олиб келади.

Бугунги кунда коррупциянинг олдини олиш учун мунтазам равишда иқтисодий ислохотлар олиб боришда ҳам давлат бошқарувини такомиллаштириш дастури ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Айниқса, иқтисодиётимизнинг муҳим таянчи бўлиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, турли назорат органларини томонидан уларнинг фаолияти юзасидан текширишларни яна-

да камайтириш бўйича Президентимиз раҳбарлигида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди. Бу эса ўз ўрнида иқтисодий натижалар бермоқда.

Жумладан, “Ўздавэнегронозорат” инспекцияси томонидан ҳам бу борада кенг қамровли ишлар олиб борилиб, 2016-2017 йиллар давомида коррупцияга қарши курашиш тадбирлари бўйича комплекс режа ишлаб чиқилган. Унга кўра инспекциянинг барча ходимлари ўртасида коррупцияга йўл қўймаслик бўйича

доимо тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, ҳар чорак якуни бўйича ушбу комплекс режа юзасидан коррупцияга қарши курашиш доимий комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, инспекция ходимлари ўртасида коррупцияга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда.

Бундан ташқари, “Ўздавэнегронозорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан ҳар ойда жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек,

тадбиркорлик субъектларининг коррупцияга қарши курашиш масалалари юзасидан ҳабардорлиги ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича жойларда ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга Тошкент шаҳар бўлимида ташкил этилган “Ишонч телефони” орқали электр энергияси, иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва қўлдан фойдаланиш соҳасида амалдаги меъёрлар ва қоидаларга риоя этилишида инспекция ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан мурожаатларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, коррупцияга қарши курашишда нафақат давлат органлари, балки барча фуқароларимизни бирлаштирган ҳолдагина самарали натижаларга эришиш мумкин. Бу борада олиб бориладиган муваффақиятли саъй-ҳаракатлар жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

С.ВАЛИХОНОВ,
“Ўздавэнегронозорат” инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТЎРТЛИКЛАР

Тилда хуш калом-у, қўлда жом бўлса,
Бир суҳбат – шир-шакар, бардавом бўлса.
Бир лутфи, жон олиб, жон ато қилса,
Кетарда кузатган гуландом бўлса.

* * *

Ҳаёт ҳақиқатин ҳар кун англатмас,
Турмуш ташвишлари келар басма-бас.
Бу дунё жаҳаннам дея чинқирма,
Кўнглинг осмонида чироқ бўлса бас.

* * *

Дилдаги кўз билан дилга киргайсан,
Бир доно сўз билан элга киргайсан.
Юрт юкин кўтариб, сафда нор юрсанг,
Изингда нур кулган йўлга киргайсан.

* * *

Ҳаёт бир косада шарбат, шон тутмиш,
Яна бир косада қахру қон тутмиш.
Кимни қувонч қутса эшик ортида
Кимни ҳаётида сўнгги он қутмиш.

* * *

Баҳор боғларидан гул иси келур,
Бу не лутф эрурки, дил иси келур.
Ногаҳон ҳижронинг хитоби янграр,
Қўр, жисму жонимдан қул иси келур.

* * *

Дунё чархипалак, қўлда айланар,
Юрган дарё дейди, йўлда айланар.
Сахрои Кабирдан бир хитоб келур,
Нажот културм сувда, чўлда айланар.

* * *

Ҳаётдан фалсафа излаган одам,
Орзуни армондан ортиқ кўради.
Авлодлар эъзозин кўзлаган одам,
Жонини Ватанга тортиқ кўради.

* * *

Боғларга кирарсан, хазон бор, гул бор,
Гул борки, қошида ошиқ булбул бор.
Муҳаббат яшаркан қай дилда,
Маҳмуд, Шу гулга, булбулга ташна кўнгил бор.

* * *

Ҳаётнинг сўқмоғи ёлғиз оёқ йўл,
Ким дадил борар, ким – қўлтиқ таёқ йўл.
Кимга манзил яқин, кимга узоқдир,
Ким гулзор ичради, кимга ёнтоқ йўл.

* * *

Умр фалсафаси йўл излаш асли,
Хуш шодон яшашга қўл излаш асли.
Етказганга шукр қилмаган жонга,
Ёмғирдан қутулиб, дўл излаш асли.

* * *

Умид қилсанг узилмайди жон,
Иймонинг соф, бас келмас шайтон.
Ўзгани қўй, ўзингни енгсанг,
Яратганинг бошингда посбон.

* * *

Қўллар қўлдан қувват олади,
Диллар дилдан қувват олади.
Ёмонликка яхшилиқ қилган
Ёмондан ҳам ибрат олади.

* * *

Меҳнат билан биринг икки бўлади,
Алдаган алданар, тулки бўлади.
Ўқимай уққандек юрган ҳар одам,
Бири синов зафтида қулғу бўлади.

* * *

Чашманинг қошида гулгун ҳаёт бор,
Етиб борган жонга қувонч, баёт бор.
Сахрода сабрини йўқотган одам,
Бўм-бўш пиёлангда сув эмас, дод бор.

Реклама ўрнида

"SHIFO-NUR EXIMER" MASЪULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI JAMOASI

барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 26 йиллиги байрами билан самимий табриклайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Хонадонимиздан файз-барака, тўй-тантаналар аримасин.

**"SHIFO-NUR EXIMER" МЧЖ сизларга қуйидаги
замонавий тиббий хизмат турларини таклиф этади:**

- офтальмолог,
- оториноларинголог,
- пластик жарроҳ,
- педиатр,
- диетолог,
- кардиолог,
- невропатолог,
- эндокринолог,
- гинеколог,
- уролог,
- стоматолог,
- физиотерапия,
- клиник лаборатория,
- оптика ва контакт линзалар,
- УЗИ.

SHIFO NUR**КО'П ТАРМОҚЛИ ТИББИЙ МАРКАЗ**

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 4-мавзе,
Мойқўрғон кўчаси, 100-уй. Телефонлар: 221-13-13, 221-93-61.
Доимо хизматингиздамыз.

Хизматлар лицензияланган.

Пойтахтимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг аксарияти бепарволик ҳамда лоқайдлик сабабли келиб чиқаётганлигига амин бўламиз.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Айниқса, тиббиёт муассасаларида ёнгин каби фавқуллода ҳодисалар рўй берса, аяничи оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам, ҳар бир тиббиёт ходими фавқуллода вазият келиб чиққан ҳолатда бичинчи навбатда қандай ҳаракатларни амалга оширилиши лозимлиги ҳақида маълумотларни билиши керак. Ёнгин хавфсизлиги ходимлари томонидан профилактик тадбирлар аҳоли турар жойлари, корхона ва ташкилотлар, ўқув масканлари каби даволаш муассасаларида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Жумладан, Чилонзор туманидаги 7-сонли ҳамда Уч-тепа туманидаги 9-сонли туғруқ комплексларида ёнгин профилактикаси тадбирлари ташкил этилди. Ҳар бир дунёга келган чақалоқ — катта инъом, бе-

мисл бахт, шодиёнадир. Бундай масканларда "арзиман камчилик, вақти билан баргараф этамиз" деган ибора бўлиши қатъиян ман этилади. Шунинг учун ҳам барча шифохоналар каби ушбу даргоҳларда хавфсизлик муҳим ўрин тутди. Уч-рашув ўтказилишидан аввал, туғруқ комплекси биланланган камчиликлар жойида баргараф этилди.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш, пойтахтимизда содир бўлаётган ёнгинлар вазиятини етказиш мақсадида давра суҳбати ўтказилди. Туман ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари талафотга олиб келувчи омиларни бирма бир ми-

соллар билан сўзлаб берди. Жумладан, электр ва газ ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, сигарета чекиб ухлаб қолиш, назоратсиз қолган болаларнинг шўхлиги, электр симларининг қисқа туташуви сабабли содир бўлаётган ёнгинларда инсонлар тан жароҳати олиб, ҳалок бўлаётганлиги, йиллаб йиққан мол-мулклар бир зумда ёниб қолга айланаётганлиги тўғрисида тушунчалар берилди.

Учрашув очик ва самимий мулоқот тарзида давом этди. Бирламчи ёнгин ўчириш востисини ишлатиш усуллари амалда кўрсатилди. Барча иштирок этган тиббиёт ходимлари ўзларини қизиқтиратган саволларига батафсил маълумотлар олишди.

Муслима РАХИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
ЭХБ катта мухандиси,
майор

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги Амалий санъат музейида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган "Анъаналар этади давом" туркум кўргазмалари очилди.

Ушбу экспозициядан анъанавий ўзбек амалий санъати турлари: най, қўшнай, уд, дутор, танбур, сато каби созлар, хонатлас, бекасам, адрас каби матолар, лаган, гулдон, чой чинни тўпламлари, ёғоч ўймакорлик намуналаридан хонтахта, қаламдон, устун ва эшиклар ўрин олган. Уларда шу кунгача мавжуд соҳа бўйича ўзига хос услубларни кўриш мумкин.

Кўргазманинг очилишида чолғу асбобла-

ри, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик вакиллари катнашган маҳорат дарслари давра суҳбатлари, савол-жавоблар бўлиб ўтди. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда Маданият ва санъат институти талабаларининг куй ва қўшиқлари барча йигилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Кўргазма жорий йилнинг 4 сентябрь кунига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти 2017-2018 ўқув йилига қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): "Чет тиллари" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Банк иши" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Банк ҳисоби ва аудит" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Ўзбек ва рус тиллари" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Жисмоний маданият ва спорт" доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Менежмент ва маркетинг" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Молия" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Пенсия иши" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Баҳолаш иши ва инвестициялар" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Ўзбекистон тарихи" доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Молиявий таҳлил" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Информацион-коммуникацион технологиялар" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Солиқлар ва солиққа тортиш" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Иқтисодиёт назарияси" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Касбий таълим" доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Бухгалтерия ҳисоби" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Аудит" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Минтақавий иқтисодиёт" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Бизнес ва тадбиркорлик" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Бюджет ҳисоби" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Суғурта иши" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Олий ва амалий математика" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Статистика" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); "Молиявий менежмент" профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимлариغا

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда чет тили ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини мукамал ўзлаштирган педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ҳодимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.
Тел.: 234-45-86

Тошкент шаҳри, Юнусобод ТСРҲИ томонидан 20.08.2014 йилда № 009398-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "ZAR ZAKOV" МЧЖ (ИНН 303032274) таъсисчиларнинг 23.08.2017 йилдаги 1-сонли баённомасига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 400-24-05.

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уйда сақланаётган "ГБА СПГ Нексия" русумли, давлат рақами 01/931VAA бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 13 931 000 сўм.

Аукцион савдосига 2017 йил 25 сентябрь кунини соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2017 йил 22 сентябрь кунини соат 18:00.

Савдо қолиби деб топишган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига кириб танишишлари мумкин.

Талабдорлар мулкнинг умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулкнинг бошлангич баҳоси 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Савбон филиалида қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25 август кунини ҳаво ўзгариш турлари, ёнғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 17-19, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 25 августда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтаменти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г - 835

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5001 нусхада босилди.

Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00